

## Сентябрь сарҳисоби

# ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ, МУНОСИБ ҲАЁТ, ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК АСОСИ — ОМИЛКОРЛИК ВА МЕҲНАТ

Журналистлар мақола ёзиш жараёнида тез-тез қўлайдиган бир ёндашув бор: ёритилаётган мавзуга оид воқеа, ҳодиса, факт, янгиликлар кетма-кет тақдим қилинса, муаллиф уларнинг аксариятига қисқача тўхталади ва битта (ёки иккита) энг муҳими ҳақида, буниси энди алоҳида мавзу эканини ургўлаб, батафсил баён қилади. Дейлик, Олимпия мусобақаларида турли спорт тури бўйича бир кунда эришилган қатор яхши натижаларни таҳлил қилишга тўғри келганда, журналист қутилмаган ёки жамоавий қозонилган муҳим ғалабага бу “алоҳида мавзу” дея нисбат бериб, уни кенгрок ёритади.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, антропо, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сентябрь ойидаги қизгин фаолиятининг барча эпизоди, истисно-сиз, алоҳида мавзу даражасида бўлгани, бу эса ушбу мавзунинг ёритилишга чоғланган ҳар қандай таҳририятнинг исталган журналистини ҳам чуқурроқ изланишга мажбур қилиши турган гап. Энди дўппини бошдан ечиб қўйиб, қўйидаги мушоҳадаларимиз билан танишсангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

1 Юртимизда истиқлолнинг 34 йиллик тантаналари шукуҳи ҳукмрон бўлган август ойи охири ва сентябрнинг илк кунлари



Тяньзинь шаҳри ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши ва “ШХТ плюс” саммитига мезбонлик қилди. Унда иштирок этган Президентимиз ташкилотнинг сиёсий асосларини мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Нафақат минтақа, балки дунёдаги вазиятга таъсир этувчи мазкур ташаббуслар жаранг сочган саммитнинг муҳим якунларидан бири сифатида ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси асосида Тошкент шаҳрида доимий фаолият юритадиган орган — ШХТга аъзо давлатларнинг

хавфсизликка таҳдид ва ҳағарларга қарши курашиш бўйича универсал марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганини айтиш ўринли. Унинг ҳузурда ШХТ Ахборот хавфсизлиги маркази ҳам тузиладиган бўлди. Бу қарор эса хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши эътироф этилди.

Янги Ўзбекистоннинг дунёдаги мавқеини юксалтиришга хизмат қилган саммит дея баҳоланган тадбирлар доирасида Президентимиз Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Беларусь, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Мўғулистон етакчилари, шунингдек, БМТ

Бош котиби Антониу Гутерриш ва бошқа делегациялар раҳбарлари билан суҳбатлар ўтказди.

Сўнг давлатимиз раҳбари Пекин шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши якунланганининг 80 йиллигига бағишланган ғалаба паради ва тантанали тадбирда иштирок этди. Умуман, таширф мамлакатимизнинг халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, тинчлик, барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўлида минтақавий ва глобал даражада конструктив мулоқотни ривожлантиришга қаратилган изчил ташқи сиёсатининг навбатдаги тасдиғи бўлди.

► Давоми 3-бетда

## РАСМІЙ ТОШКЕНТНИНГ ҲАР БИР ЯНГИ ТАШАББУСИ

### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҲОЯЛАР ЯРАТУВЧИСИ СИФАТИДАГИ ИНТИЛИШНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

#### Хитой эксперт-таҳлил доиралари вакиллари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясидаги нутқи ҳақида

Чу ЛИ, Пекин халқаро маданият ва савдо ассоциацияси ижрочи раиси:

— БМТнинг нуфузли минбарида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг камбағалликка қарши курашишдаги ютуқларини алоҳида таъкидлади. Сўнгги кунларда Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари — “Синьхуа” ахборот агентлиги, “Жэньмин жибао” газетаси, “Китай” ва “CGTN” телеканаллари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманганда бўлиб ўтган “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми очилиш маросимидаги нутқини кенг ёритади.

Ўзбекистон ва Хитой доимий стратегик шериклар сифатида ўзаро манфаатли барча йўналишда, хусусан, камбағалликни



қисқартириш масаласида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти ва Хитой Раиси ташаббуси билан Ўзбекистон —

Хитой ҳукуматлараро қўмитаси таркибида Камбағалликни қисқартириш бўйича кўйи қўмита ташкил этилган. Ҳозирга қадар унинг иккита йиғилиши ўтказилди.

► Давоми 2-бетда

## ҲАР ҚАНДАЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАЪЛИМ БИЛАН

Иш фаолиятини тарбиячиликдан бошлашимга тўғри келган. Бироқ болалигимдан ўқитувчи бўлишни орзу қилганим боис, 1987 йилда Термиз давлат университетини тамомлаб, ҳозир ишлаётган мактабимга ўқитувчи бўлиб келдим. Бугун эса қарийб 50 йиллик устозман. Бир жамоада шунча йил ишлаш ҳам инсон учун катта муваффақият бўлса керак аслида.

Қолаверса, турмуш ўртоғим ҳам, ўғлим ҳам ўқитувчи экани, таълим соҳасига оилавий хизмат қилаётганимиз кўксимни ғурурга тўлдириб туради. Ўқитувчилар оиласи деган қарашга муносиб бўлишга интилиш мен учун шараф. Чунки ўзимиз ҳам устозларимизга ҳавас билан қараганимиз, улардек бўлишни орзу қилганимиз.

Илк бор синфхонага кирганимда жажжи ўқувчиларнинг менга тикилиб

қарагани, ҳар бир сўзимни диққат билан тинглагани юрагимни ҳаяжонга тўлдирган. Шу кунгидек ўқитувчилик фақат дарс ўтиш эмас, ҳар бир қалбга йўл топиш, фикрини ўқий билиш, бир синф болага меҳрингни тенг улаша олиш эканини тушуниб етганман. Шунингдек, ўқитувчи билим манбан бўлиши баробарида тарбиячи, тингловчи, маслаҳатчи ва энг яқин дўст сифатида шогирдига йўл кўрсатиши кераклигини англаганман.

► Давоми 2-бетда

## Мулоҳаза

# ТИРИКЛИК ТИМСОЛИ — ТИЛ

### УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ ЎЗЛИК ТАНТАНАСИ



## Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

# ҚАТЪИЙ ИЖРО ИНТИЗОМИ — САМАРАДОРЛИК, МАСЪУЛИЯТ ВА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада кечаётган ислохотларнинг туб моҳиятида, аввало, инсон, унинг қадри ва манфаатлари устуворлиги туради. Бунга юртимизда аҳолига сифатли таълим, тиббиёт, турмуш шароитларини яхшилаш, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитлар яратиш йўлида эришилаётган натижалар ёрқин мисол бўла олади.

Давлатимиз раҳбари бундан саккиз йил муқаддам — 2017 йил январда ҳар бир давлат бошқаруви органи раҳбарининг вазифаси ўзи масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳолини танқидий баҳолаш асосида зиммасига юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришдан иборат бўлишини қатъий таъкидлаб, “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак”, дея алоҳида қайд этган эди.

Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, топшириқлар ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этишни такомиллаштириш, талабчанликни, раҳбарларнинг шахсий



жавобгарлигини кучайтириш бўйича кўрилган қатъий чора-тадбирлар иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштиришни таъминлаш, республикани барқарор ҳамда жадал ривожлантириш учун замин яратмоқда.

► Давоми 4-бетда

## Нуқтаи назар

# БМТ МИНБАРИДА АЙТИЛГАН ФИКРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИ НАМОЁН ЭТДИ



Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясидаги иштироки кўплаб учрашув ва қабуллар билан ҳам эътиборли бўлди. Бунга яққол мисол сифатида АҚШ Президенти билан учрашувни алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки мазкур учрашув асносида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларида янги саҳифа очилди. Бу нафақат икки давлат ўртасидаги мулоқотнинг янги босқичи, балки стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам сифатида тарихга кирди. Ўзбекистон ва АҚШ етакчиларининг юзма-юз мулоқоти, том маънода, икки халқ келажигига йўналтирилган, дунё сиёсий майдонида катта аҳамият касб этган воқеа бўлди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси сессиясидаги нутқи давомида қатор устувор йўналишларга тўхталди.

Биринчиси, тинчлик ва хавфсизлик масаласи. Президентимиз глобал хавфсизлик муаммолари, янги таҳдид ва қаҳирчиликлар шариотида давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этди. Ўзбекистон ҳар доим тинчликпарвар сиёсатга содиқ экани

ва минтақавий барқарорликка ўз ҳиссасини қўшишини таъкидлади.

Иккинчиси, инсон ҳуқуқлари ва демократия. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш масалалари нутқдан алоҳида ўрин олди. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар инсон қадрини улуглаш таъйини асосида амалга оширилаётгани дунё ҳамжамиятига яна бир намоёниш қилинди.

► Давоми 5-бетда

# РАСМИЙ ТОШКЕНТНИНГ ҲАР БИР ЯНГИ ТАШАББУСИ

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҒОЯЛАР ЯРАТУВЧИСИ СИФАТИДАГИ ИНТИЛИШНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ



йили” доирасида шаҳарлар ва вилоятларда ўтказилган “Роуд шоу” тадбирлари муҳим аҳамиятга эга.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг хитойлик сайёҳлар орасидаги шуҳрати бундан кейин ҳам ошиб бораверади.

**Ван МИНМЭЙ,**  
“Researcher” журнали бош муҳаррири:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг юбилей сессиясидаги маърузасида анъанавий тарзда нафақат Марказий Осиёнинг, балки бутун сайёранинг долзарб муаммоларидан бири бўлган экология мавзусига алоҳида эътибор қаратди.

Бу борада Ўзбекистоннинг ютуқлари, айниқса, Оролбўйидаги экотизимни тиклаш ишларида яққол кўзга ташланади. 2030 йилгача Орол денгизининг қуриган тубини 80 фоизгача яшил ўсимликлар билан қоплаш режаси алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг халқаро аренадаги фаол сайёҳ-ҳаракатлари доимий равишда Хитой оммавий ахборот воситалари, жумладан, бизнинг нашримиз диққат марказида бўлиб келмоқда. Яқинда биз “Ўзбекистон ва БМТнинг Атроф-муҳит



бўйича дастурлари (UNEP): самарали табиий муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳаларини илгари суриш” сарлавҳали мақолани чоп этдик.

Унда сўнгги йилларда Ўзбекистон экологик соҳада халқаро жамоатчилик орасида фаол ўрин эгаллагани, БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (UNEP) томонидан бошқариладиган етти та асосий глобал ташкилотга аъзо бўлгани ва табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тўққизта конвенцияда фаол иштирок этаётгани таъкидланган.

Жамоатчиликнинг Ўзбекистондаги атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги хабардорлигини ошириш мақсадида UNEP экспертлари кўмағида Миллий экологик ҳисобот ишлаб чиқилди. Ушбу ҳисоботда атроф-муҳит ҳолати ва иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатаётган омиллар баҳоланган.

“Замин” халқаро жамоат фонди UNEP ва Гидрометеорология хизмати агентлиги билан ҳамкорликда амалга ошираётган яна бир лойиҳа ҳавонинг ифлосланишини автоматлаштирилган мониторинг қилишга қаратилган. Ушбу лойиҳа доирасида мамлакат бўйлаб 63 та мониторинг станциясини ўрнатиш ва марказлаштирилган таҳлил марказини яратиш режалаштирилмоқда.

Қайд этилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида

мамлакатда долзарб экологик дастурлар, жумладан, Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилётган Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумини ўтказиш бўйича истиқболли режаларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Иқлимий миграция масалаларида аниқ халқаро механизмлар ва ҳуқуқий база мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, давлат раҳбари кенг қамровли халқаро ҳамкорлиқни назарда тутувчи Глобал пактни қабул қилиш таклифини билдиргани мутлақо ўринли бўлди. Бу таклиф кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Бугун Ўзбекистон Хитой билан иқлим ўзгаришлари таҳдидларини қамайтириш ва аҳоли ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий соҳасига салбий таъсирларни енгилаштириш борасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

“Марказий Осиё — Хитой” формати доирасида Нинся-Хуэй автоном ҳудудида барпо этилаётган Қумлашувга қарши қураш маркази доирасида қўшма фаолият тўғрисидаги қарор буни аниқ ифодалайди.

**Лю СЮЙ,**  
Хитой халқ университети ҳузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё маркази директори ўринбосари:



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси-

нинг 80-йигилишидаги нутқини катта қизиқиш билан тингладим. Маърузада барқарор ривожланиш дастурлари аниқ акс эттирилган, минтақавий хавфсизлик, иқлим ўзгариши билан курашиш, шунингдек, цивилизациялараро мулоқотни ривожлантириш масалаларига кенг ўрин ажратилган.

Хитой томони бугун тез ўзгараётган, мураккаб глобал муҳитда яшаётганимиз ҳақидаги қарашларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон етакчилигининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити ва “ШХТ плюс” учрашувидagi сўнгги иштирокини таҳлил қилганда, унинг чиқишлари ҳар доим дунёда юзага келаётган мураккаб жараёнларни аниқ ва чуқур баҳолаш ҳамда амалий, конкрет таклифларига эга бўлиши билан ажралиб туришини кўрасиз.

Расмий Тошкентнинг ҳар бир янги ташаббуси халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган ғоялар яратувчиси сифатидаги интилишини намоён этади.

Яқинда Хитойнинг “Diplomat” нашрида чоп этилган “Ресурслар ўрнига инновациялар ва ғоялар: Ўзбекистон ёшларининг мамлакатнинг глобал имижини шакллантириши” сарлавҳали мақолани ўқиб чиқдим.

Эътиборлиси, Президент Шавкат Мирзиёев ёшларга оид масалаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни устувор вазифа қилиб белгиланган.

Ҳақиқатан, жаҳон миқёсида рақобатбардosh бўлган ёш мутахассисларсиз барқарор иқтисодиёт барпо этиш ёки самарали халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш имконсиз.

Дунё ҳамжамияти Ўзбекистон етакчилигининг Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракатини таъсис этиш ва қароргоҳини мамлакатнингизда жойлаштириш таклифини яқдил қўллаб-қувватлашга ишонаман.

**Гао ВЭЙЧЖУН,**  
Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича давлат қўмитаси ҳузуридаги халқаро ҳамкорлик маркази директори:



— Президент Шавкат Мирзиёев нутқида соғлиқни сақлаш масалалари, хусусан, онкологик касалликлар каби долзарб муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хитой раиси Си Цзиньпин 1 сентябрь куни Тяньцзиньда ўтган “ШХТ плюс” форматидаги йиғилишда кейинги беш йилда Хитой томони ШХТ давлатлари учун саратонни скрининг қилишга доир 10 мингта амалиёт ўтказишга тайёргилигини эълон қилди.

Бу давлатларимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги умумий устувор йўналишларни яққол кўрсатади.

Ташкилотимиз Ўзбекистоннинг тегишли тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда касалликларни даволаш бўйича қўшма дастурларни фаол амалга оширяпти.

Шу муносабат билан БМТ Бош Ассамблеяси доирасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаол қўллаб-қувватлови остида ўтказилиши режалаштирилган болалар онкологик масалаларига бағишланган махсус тадбир ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

**“Дунё” АА**  
Пекин шаҳри

### Дилдаги гаплар



## ҲАР ҚАНДАЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАЪЛИМ БИЛАН



**Ратё ПИРМАТОВА,**  
Шербод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси,  
II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби

Бошланиши 1-бетда

Бунинг учун унга сабр, адолат, доимий ўз устида ишлашга интилиш зарурлигини чуқур ҳис қилганман. Зеро, ҳарф танимаган ўқувчиға ёзиш ва ўқишни ўргатиш қанчалар машаққатли эканини ўқувчиларимиз ҳам ота-она бўлиб, фарзандларига бир бор уй вазифаларини тайёрлаганида тушуниб этади.

Кимлардир бошланғич синф ўқитувчиларига осонроқ, болалар итоаткор, қизиқувчан деб ўйлайди. Бироқ бошланғич синф болалари билан ишлаш анча

мураккаб. Бунда ўта хушёрлик ҳам талаб этиладики, унинг пойдевори унинг мустаҳкамлигида қанчалик аҳамиятли бўлса, бошланғич таълим инсон ҳаётида шундай ўрин тутати. Шуни ҳис қилган ҳолда устозлик фаолиятим давомида юзлаб шогирдларни ўз фарзандимдек тарбиялаганимдан, улар ҳаётда ўз йўлини топиб кетганидан бахтиёрман. Устозга шогирдининг камолини, гўзал ҳаётини кўришининг ўзи мукофот деган гап шунчаки айтилмаган. Собиқ ўқувчиларимиз соғинч билан келиб, “Устоз, сиз ҳарф танимасангиз шу даражага етмасдим”, деганида кўзимиздан ёш чиқиб кетди. Даста-даста гуллар юрагимизда очилгандек бўлади гўё. Шу кунларга, шундай гўзал даврга етиб келганимиз учун шукрона айтаман. Чунки бир вақтлар ўқув йилини пахта далаларида ўтказар эканмиз, ўқитувчининг жамиятдаги ўрни юксалишини, шундай заҳматлардан овоз бўлишни орзу қилардик.

Бугунги ислохотлар эса ўша орзуларимизнинг рўёби бўлмоқда. Мактаблар янгиланяпти, ўқитувчиларга эътибор ошди, билимни қадрлаш бош мезонга айланыпти. Бу эса биз учун катта имконият. Эндиликда инсон ва унинг машаққатли меҳнати қадр топаётгани чин. Бугун устоз аҳлининг ҳам елкасига шамол теккани, педагог ҳам ўз касбидан бойияётганини оддий одамлар кўриб-билиб турибди. Шунинг учун энди жамиятда ўқитувчиға ҳавас қиладиганлар

кўпайди. Фарзандини педагогика олийгоҳларида ўқитиш истагидаги ота-оналар сафи кенгайди. Мактабда дарс бериш энг шарафли вазифалардан бирига айланди. Чунки янги Ўзбекистонда устознинг қадри ҳар қачонгидан баланд кўтарилиди. Акс ҳолда, мен каби чекка ҳудудлардаги оддий муаллималар давлат раҳбари эътиборига тушмас эди.

2023 йилда “Халқ таълими аълочилиси” кўкрак нишони билан тақдирланган бўлсам, 2 йил ўтиб, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотландим. Президентимиз биз, устозларни ўзи қутлаб, жуда самимий, илиқ гапларни гапирди. Байрам муносабати билан барча соҳа вакиллариға йўланган табрикда эса биз, педагог, мураббийларни яна бир қарра улуглаб, тизим ходимларига, албатта, янги имтиёзлар, имкониятлар яратилишини такрор айтиб ўтди. Демак, қилаётган ишларимиз, сайёҳ-ҳаракатларимиз мамлакат келажаги учун манфаатли бўляпти. Эзгу ниятимиз қайсидир маънода амалимизда сезилиб, атрофдагиларға ҳам кўриняпти. Бунинг учун чексиз миннатдоримиз. Аслида, бусиз ҳам кўплаб ўқитувчилар ўз касбига боғланиб қолади. Шу қаторда мен ҳам мактабсиз, болаларсиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман. Шундай экан, бу ёғига ҳам бор кучим ва салоҳиятимни ёш авлод тарбияси, мактаб таълимиға бағишладан толмайман.

### Изҳор

## БУГУНГИДЕК ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ҲЕЧ ҚАЧОН БЎЛМАГАН

Бу йил сентябрь ойи биз, педагоглар ойи бўлди, десак муболага эмас. Давлатимиз раҳбарининг ўзи кўнглимизни кўтаришга киришгани мамлакатимиз бўйлаб байрам кайфиятини барвақт ёйди. Давлат мукофотлари билан тақдирланган муаллимлар қалби қувончга тўлди. Улар қатори менинг ҳам 36 йиллик педагогик фаолиятим давлат мукофотиға муносиб кўрилди. “Шуҳрат” медали билан мукофотландим.

Президентимиз 1 октябрь кунини соҳа вакиллариға табрик йўллаб, ўқитувчилар ҳаётини дунёдаги энг улуг ва олижаноб ишға — навқирон авлод таълим-тарбиясига бағишлаган муҳтарам инсонлар сифатида улуглади. Қутловда таълимға қаратилган эътибор, бугунги муаллимнинг нуфузи, жамиятдаги мақоми тўла акс этди. Шу маънода, ушбу табрик ҳар бир таълим муассасасида ишлаётган ўқитувчи ва мураббийларни руҳлантириб юборганиға шубҳа йўқ.

Чиндан ҳам, сўнгги йилларда муаллимларға кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор чексиз. Зеро, ҳеч бир даврда педагогларға бунчалик эътибор ва рағбат бўлмаган. Дарс беришдан кўра қоғозбозлик ишлари,



**Лола БОЛТАЕВА,**  
Юнусобод туманидаги 273-мактаб ўқитувчиси,  
“Шуҳрат” медали соҳиби

ободонлаштириш юмушлари муҳим бўлган даврларини кўрдик. Бир кунини дарс ўтаётсам, юқори ташкилотдан кўнғироқ бўлди. “Ҳозир келиб, фалон жойини супуриб кетаркансиз”, деди кўнғироқ қилган киши. “Ие, дарсдаман-ку, автобусда шу кийим билан супурги кўтариб юраманми?” деб йиғлаганман ўшанда. Бироқ шундай паллаларда ҳам касбимдан воз кечмадим. Чунки устозликка меҳр онам тўфайли уйгонган. У ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг география

факультетида 40 йилга яқин ўқитувчилик қилган. Мактабни тамомлаганимда “Менинг касбимни давом эттирасанми?”, деб сўраган. Ўшанда ҳеч иккиланмай ҳужжатларимни география йўналишиға топшириб келганман. Шукрки, дарс берган ўқувчиларимнинг жуда кўпи географияға қизиққан. Шу соҳаға оид ёки яқин йўналишларда ўқиб, ишлаяпти.

**Дарсларимни жон қулоғи билан тинглаб, фан олимпиадаларида қатнашган, менга ҳавас қилиб география ўқитувчиси бўлган шогирдларим бор. Улар ҳар бир ютуғимдан қувониб, “Бизга ҳам сизнинг йўлингизни берсин, устоз”, дея йўқлаб туришади. Касб байрамимиз кунини ҳам хонадонимиз шогирдларға тўлади. Бу, албатта, ўзгача ғурур, касбдан фахрлишини туйғусини беради кишиға.**

Ўқитувчилик касбини эгалламоқчи бўлган ёки эндигина иш бошлаш арафасида турган ёшларға қараб, “Сизлар катта имкониятларда даврида яшаяпсиз”, дейман. Шу ёшда ҳам яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, 100 фоиз устамолаётганимни мисол келтираман. Чунки энди ойлигимнинг икки баробари миқдорда маош оламан. Аслида, ҳозир ўқитувчининг минг доллар маош олиши ҳам оддий ҳол бўлиб қолди. Ваҳоланки, бундан 4-5 йил аввал бунга ҳеч ким ишонмаганди. Ўқувчиларни халқаро олимпиадаларда юқори ўринларни эгаллаган муаллимлар ҳам алоҳида рағбатлантириляпти. Бундай ўзгаришлар ўқитувчиларға куч беради, янги ютуқларға илҳомлантиради. Шу маънода, география дарсликларини такомиллаштиришда ҳам иштирок этаётганимдан хурсандман. Яқин келажакда бу борада сезиларли натижаларға эришамиз. Зеро, бизни давлат, жамият, устозни эъзозловчи халқимиз қўллаб-қувватлаб турибди.

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ  
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**







www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

# ҚАТЪИЙ ИЖРО ИНТИЗОМИ – САМАРАДОРЛИК, МАСЪУЛИЯТ ВА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Жўрабек МИРЗАМАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
энергетика вазири

## Бошланиши 1-бетда

Қолаверса, кейинги йиллардаги ислохотлар, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш борасида ҳаётга татбиқ қилинган стратегик дастурлар ҳам ана шу устувор ғояни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларига ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда шу йил 25 июлдаги “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз “технологик занжир”ни ташкил қилиш борасидаги устувор вазифалар белгиланди.

Ушбу йўналишда Энергетика вазириги ва унинг тасарруфдаги ташкилотларда ҳам ишлар тизимли давом этмоқда.

Фаолиятнинг асосий жиҳатларидан бири — ижро интизомини янада мустаҳкамлаш,

Хусусан, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳада ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, тармоқни ривожлантиришнинг янги босқичларига ўтиш мақсадида ёқилги-энергетика соҳасида 9 та қонун, Президентнинг 14 та фармони ва 111 та қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 139 та қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш орқали ёқилги-энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ҳажми оширилиб, етказиб бериш сифати яхшиланишига эришилмоқда.

Сўнгги йиллардаги сайъ-ҳаракатлар натижасида юртимизда умумий қуввати **4682 мегаватт** (куёш — 3030, шамол — 1652 мегаватт) бўлган **12 та куёш ва 5 та шамол** электр станцияси ишга туширилди ва улар “яшил” энергия ишлаб чиқармоқда. Бундан ташқари, умумий қуввати **300 мегаватт** бўлган **2 та энергия сақлаш тизими** ҳамда умумий қуввати **3274 мегаватт** бўлган **8 та замонавий иссиқлик электр станцияси** ишга туширилди. **Солиштириш учун айтадиган бўлсак, 1991-2016 йилларда (25 йил ичида) 3300 мегаватт қувват ишга туширилган, холос.**

Худудларда энергия таъминоти барқарорлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалар изчиллик билан олиб борилмоқда.

2021 йилда янги Ўзбекистон энергетика соҳаси учун янги ва биринчи қалдирғоч лойиҳа — Навоий вилояти **Кармана туманида 100 мегаватт** қувватли куёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. 2022 йилда Самарқанд вилоятининг **Нуробод туманида 100 мегаватт** қувватли иккинчи куёш фотоэлектр станцияси фаолият бошлади.

2023 йилда Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида **220 мегаватт**, Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида **200 мегаватт**, 2024 йил май ойида яна **100 мегаватт**, 2023 йилда Қашқадарё вилояти Нишон туманида **200 мегаватт**, 2024 йилда яна **100 мегаватт**, 2023 йилда Сурхондарё вилояти Шеробод туманида **457 мегаватт** қувватли ва 2024 йилда Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида умумий қуввати **200 мегаватт** бўлган **куёш фотоэлектр станциялари** ҳамда 2023 йилда Навоий вилояти Томди туманида **100 мегаватт**



тармоқни барқарорлаштириш ва қўшимча захира қувватларини яратиш учун фойдаланилмоқда.

Натижада 2024 йил якуни билан электр энергияси генерацияси, яъни ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммоларнинг тўлиқ бартараф этилишига эришилди.

Ушбу қувватларнинг асосий қисми тўғридан тўғри йўналтирилган хорижий инвестициялар ҳисобига ишга туширилгани диққатга сазовордир. Лойиҳаларни хорижлик инвестор ва мутахассислар, жамоатчилик вакиллари жуда юқори баҳолаб, Ўзбекистонни қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлардан бири сифатида эътироф этмоқда.

Юртимизда ишга туширилган куёш ва шамол электр станциялари томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи якуни билан **8 миллиард киловатт-соатдан ортиқ** “яшил” энергия ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Бу умумий электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг 25-30 фоизини ташкил қилади.

**Соҳада яна бир тарихий қадам ташланди. 2021 йилдан Ўзбекистон тарихида биринчи марта аҳоли хонадонига ўрнатилган куёш панеллари ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлат томонидан сотиб олиш амалиёти йўлга қўйилди.**

Бунда аҳолидан ҳар бир киловатт-соат электр энергияси 1000 сўмдан сотиб олинади. **2025 йилнинг январь-август ойларида куёш панеллари ўрнатган 35 минг 284 фуқарога 120 миллиард сўмдан зиёд субсидия берилган.** Мазкур соҳада қабул қилинган механизмга кўра, ушбу субсидиялар “Солиқ” мобил иловаси орқали фуқароларнинг банк пластик карталарига тўғридан тўғри ўтказиб берилмоқда.

2025 йилда ҳам мазкур ишлар изчил давом эттирилмоқда. Яъни бу йил ҳам янги ва йирик ҳажмдаги генерация қувватлари ишга туширилмоқда. Масалан, умумий қуввати **3000 мегаваттдан ортиқ куёш ва шамол, 1167 мегаватт қувватли иссиқлик электр станциялари, 1500 мегаваттдан ортиқ энергия сақлаш тизимлари** фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ўтган йили **81,5 миллиард киловатт-соат** электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, 2025 йил якуни билан бу **85,5 миллиард киловатт-соатга етиши** кутилмоқда. Солиштирадиган бўлсак, 2016 йилда **59 миллиард киловатт-соат** электр энергияси ишлаб чиқарилган эди. Яъни **ишлаб чиқариш ҳажми 8 йилда 40 фоиздан кўпроққа ошди.**

2017-2024 йилларда юртимиз бўйлаб жами узунлиги 65,5 миң километр электр узатиш тармоғи қурилди, 21 мингта трансформатор пункти янгиланди. Юқори кучланишли подстанциялар қуввати 10 миң мегавольт амперга оширилди. Натижада 8000 дан ортиқ маҳалланинг электр таъминоти яхшиланишига эришилди. Холбуки, 1991-2016 йиллар давомида жами 9300 километр электр узатиш

тармоғи ва 4 800 та трансформатор пункти янгиланган.

Йил якунига қадар яна 10 та подстанция, 430 километр тармоқ ҳамда 556 та трансформатор пункти қурилади ва модернизация қилинади. Шу билан бирга, 23 та подстанция, 29 миң 506 километр тармоқ ҳамда 10 миң 270 та трансформатор пунктини мукаммал таъмирлаш чоралари кўрилади.

## Янги Ўзбекистон энергетикасида халқаро ҳамкорлик алоқалари янги босқичга чиқди

Кейинги йилларда юртимиз дунёга очилди ва натижада энергетика компаниялари мамлакатимиз энергетика соҳасига инвестиция қилишга қизиқиш билдира бошлади. Аввало, халқимизнинг турмуш тарзи яхшиланаётгани, иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши ортдан энергия ресурсларига талаб ортиб бораётгани, соҳада ҳуқуқий базанинг мустаҳкамланиши, инвесторлар билан ишончли ҳамкорлик йўлга қўйилгани бунга сабаб бўлди.

**Сўнгги 6 йилда Ўзбекистонда иссиқлик, куёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича хорижий инвесторлар билан умумий қиймати қарийб 30 миллиард АҚШ долларига тенг 50 дан ортиқ битим имзоланди.** Бу юртимизда қисқа фурсатларда инвесторлар томонидан 50 дан зиёд замонавий электр станцияси ишга туширилади дегани.

Шунга кўра, **2030 йилга бориб умумий қуввати 28 миң 108 мегаваттлик иссиқлик, куёш ва шамол электр станциялари фаолият бошлайди.**

Мазкур инвестиция лойиҳалари Саудия Арабистонининг “ACWA Power”, Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar”, “Tepelen Group AG” ва “Solar Power Shine”, Франциянинг “Total Energies”, “Volitalia” ва “EDF”, Хитойнинг “Gezhouba Overseas Investment Group”, “China Datang Overseas Investment” ҳамда “Universal Energy”, Германиянинг “Hyper Partners”, “Siemens Energy”, Нидерландиянинг “Stone City Energy”, Қатарнинг “Nebras”, Япониянинг “Sojitz Corporation” ва “Kyuden International Corporation”, Туркиянинг “Akse Enerji”, “Cengiz Enerji” ва “Odash Enerji” каби йирик компаниялари томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатлари энергетика тизимлари билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, йилнинг тўрт мавсумида ҳам қўшни мамлакатлар энергетика тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ривожлантириш устида қатор лойиҳалар йўлга қўйилмоқда.

2030 йилга бориб Ўзбекистон, Қозғистон ва Озарбайжон энергетика компаниялари ҳамкорлигида Европага “яшил” энергия экспортини амалга ошириш режалаштирилган.

Қўшни Афғонистон билан электр энергетикаси ва нефть-газ соҳаларида ҳамкорлик қилинмоқда. Яқинда Ўзбекистон — Афғонистон энергетика

компаниялари билан қатор янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

## 2030 йилгача режа — “яшил” энергия қувватларини ошириш орқали таъминот барқарорлигига эришиш

Юқориди таъкидлаганимиздек, юртимизда электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини сезиларли даражада ошириш, айниқса, бу борада табиий ресурсларни асраш, экологиямизни яхшилаш мақсадида куёш, шамол ва гидроэлектр станциялар ишга туширилмоқда.

2030 йилга бориб, истеъмолчиларнинг электр энергиясига талаби ҳозирги қарийб 70 миллиард киловатт-соатдан 120 миллиард киловатт-соатга ошиши кутилмоқда. Ушбу талабни қондириш мақсадида янги ва “яшил” ишлаб чиқариш қувватлари яратилади.

Бугунги кунда юртимизда умумий электр энергиясини ишлаб чиқаришда “яшил” энергия манбалари улуши 25-30 фоизни ташкил қилаётган бўлса, **2030 йилга бориб, 54 фоизга етказилиши режалаштирилган.** Хусусан, “яшил” электр станцияларимиз орқали йилга **60 миллиард киловатт-соат** электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Натижада йилга қарийб **18 миллиард куб метр табиий газ тежалиб, атмосферага 25,2 миллион тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинади.** Бир сўз билан айтганда, 2030 йилга бориб, юртимизда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 54 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига тўғри келади.



Гидроэлектр станциялар қуввати ҳозирги 2 миң 200 мегаваттдан қарийб 5 миң мегаваттга етказилади. Шунингдек, умумий қуввати 4 миң 500 мегаваттга тенг бўлган энергия сақлаш тизимлари ишга туширилади.

Узунлиги 100 миң километр электр узатиш тармоқлари, 20,5 миңта трансформатор пункти янгидан қурилади, шунингдек, юқори кучланишли подстанциялар қуввати 30 миң 234 мегавольт амперга оширилади.

Бу ишлар, ўз навбатида, истеъмолчиларнинг электр таъминоти ишончлилиги ва барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2025 йил 17 январдаги “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, республика бўйлаб оғир тоифадаги 300 та маҳалла аҳли учун турли қувватдаги (180-500 кВт) куёш фотоэлектр станциялари грант маблағлар ҳисобига бегараз ўрнатиб берилмоқда.

Ушбу куёш панеллари ўрнатилиши ҳисобига, энг аввало, ўша маҳаллаларда янги иш ўринлари яратилади, шунингдек, ишлаб чиқарилган электр энергияси худудий электр тармоқларига сотилади ва тушган маблағ маҳалла фондига ўтказилади. Натижада маҳалла фаоллари эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, электр энергиясидан тушган маблағ ушбу маҳаллалар аҳолиси фаровонлиги учун сарфланади.

## Шахсий масъулият ва темир интизом — ислохотларни амалга оширишда мустаҳкам пойдевор

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан ҳукумат, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда барча

даражадаги ҳокимларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқ лойиҳаларини тайёрлашда назоратни ташкил қилиш, уларнинг пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, ваколатли давлат бошқаруви органларида ўз вақтида келишилишини таъминлаш, топшириқларнинг ижрочиларга тезкор етказилиши, белгиланган долзарб вазифалар моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчилик ва аҳоли ўртасида тушунтирилиши ҳамда ижро муддати ва масъулларни белгилаш бўйича “йўл хариталари”ни ташкил этиш шулар жумласига қиради.

Энергетика ва нефть-газ соҳаларининг салмоқли қисми хавфли ишлаб чиқариш объекти ҳисобланиб, раҳбар ва ишчи-ходимлардан темир интизомга риоя этиш талаб қилинади. Шунинг учун тармоқда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларига ягона электрон тизими жорий этилди.

2025 йилда қонунлар, фармон, қарор, фармойишлар ва давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган йиғилишлар баёнларида Энергетика вазириги бўйича жами 1517 та топшириқ белгиланган, шундан ҳисобот даврида 940 тасининг ижроси таъминланган.

Бундан ташқари, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни бажаришда камчиликларга йўл қўйгани ва топшириқлар ижросини сифатли ва ўз вақтида ташкил этишда зарур чоралар кўрмагани учун 5 ҳоҳимга интизомий жазо чоралари қўйилган, 12 нафари эса қатъий огоҳлантирилган.

Бунда асосий мақсад ходимларни жазолаш эмас, балки истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишда белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида ва

**66** Сўнгги йиллардаги сайъ-ҳаракатлар натижасида юртимизда умумий қуввати **4682 мегаватт** (куёш — 3030, шамол — 1652 мегаватт) бўлган **12 та куёш ва 5 та шамол** электр станцияси ишга туширилди ва улар “яшил” энергия ишлаб чиқармоқда. Бундан ташқари, умумий қуввати **300 мегаватт** бўлган **2 та энергия сақлаш тизими** ҳамда умумий қуввати **3274 мегаватт** бўлган **8 та замонавий иссиқлик электр станцияси** ишга туширилди. **Солиштириш учун айтадиган бўлсак, 1991-2016 йилларда (25 йил ичида) 3300 мегаватт қувват ишга туширилган, холос.**

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича Адлия вазириги, Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда тизимли ишлаш йўлга қўйилган. Хусусан, муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда топшириқлар ижросини самарали ташкил қилиш юзасидан вазирилик тизимида амалий семинарлар ўтказилмоқда ҳамда уларнинг ижроси ҳар ҳафта душанба ва жума кунлари йиғилишларда муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида вазирилик аҳолининг топшириқларининг барвақт ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли вазири ўринбосарлари ва масъул таркибий бўлинмалар кесимида тасдиқланган “йўл харита”лари ва “кунлик календарь график”лари бўйича ишланмоқда.

Топшириқларда белгиланган мақсадларга эришилиши ҳамда ижро интизоми ҳолати вазириликда жорий этилган масъул раҳбар ва ходимлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) билан баҳолаб борилди.

## Масъулият ва интизом орқали генерация билан боғлиқ муаммолар бартараф этилди

Энергетика тармоғини жадал ривожлантириш, бу борада янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, узатиш ва тақсимлаш тармоқларини янгиланиши жадаллаштириш ва шу орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга эътибор туфайли соҳада қисқа вақт ичида тарихий ислохотлар амалга оширилди.





## Нуктаи назар



# БМТ МИНБАРИДА АЙТИЛГАН ФИКРЛАР МАМЛАКАТИМИЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИ НАМОЁН ЭТДИ



**Максуд ЮЛДОШЕВ,**  
Жиззах давлат педагогика  
университети ректори, профессор

### Бошланиши 1-бетда

Учинчиси, барқарор тараққиёт ва иқлим масалалари. Экологик муаммолар, айниқса, Орол фожiasi ва оқибатлари дунё учун оғриқли масала сифатида кўтарилиди. Шу билан бирга, иқлим ўзгаришларига қарши курашда барча давлатлар бирлашиши лозимлиги таъкидланди.

**Тўртинчиси, ёшлар ва таълим.** Давлатимиз раҳбари ёшлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Янги Ўзбекистоннинг асосий бойлиги ёшлар экани, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, билими ва салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали барқарор тараққиётга эришиш мумкинлиги айтилди. Шу маънода, халқроқ ёшлар ҳамкорлигини қучайтириш таъкид этилди.

**Бешинчиси, халқроқ ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик.** Нутқдаги яна бир муҳим жиҳат — глобал муаммоларни ечишда давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги зарурилик ҳақидаги фикрлардир. Миллий ёки минтақавий манфаатлар эмас, балки бутун инсоният тақдирини устувор бўлиши кераклиги таъкидланди.

Президентимиз нутқи инсоният олдида турган долзарб масалаларни ҳал қилишда тўғрисоннинг изчил позициясини ва глобал ташаббускорлигини намоён этди.

Ташриф доирасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари юзасидан турли учрашувлар ҳам бўлиб ўтди. Хусусан, Президентимиз АҚШда истиқомат қилаётган ватандошлар, шунингдек, “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари билан самимий учрашув ўтказди. Бу мулоқот нафақат маънавий қувват манбаи, балки янги Ўзбекистон — янги имкониятлар мамлакатини эканининг амалдаги тасдиғи бўлди.

Сўхбатнинг асосий мақсади ўзи узоқда бўлса-да, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган фарзандлар қалбини Ватанга боғлаш, уларни янги тараққиёт жараёнига фаол жалб этиш эди. Президентимиз ёшларга самимий меҳр ва юксак ишонч билдирди, уларнинг билими ва тажрибаси мамлакатимиз тараққиёти учун жуда зарур эканини таъкидлади.

## Муносабат



**Рустам РАШИДОВ,**  
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар  
институтини бўлим бошлиғи

Давлатимиз раҳбарининг дунё миқёсида нуфузли халқроқ ташкилотлар минбарига туриб сўзлаган нутқлари ва илгари сурган таъкид, ташаббусларида ташқи сиёсат, минтақавий хавфсизлик каби масалалар билан бирга таълим, маърифат, ёшлар келажаги, умумий тараққиёт ҳамда барқарор ривожланишига доир долзарб масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йилги 72-сессиясида одамлар,



Президентимизнинг АҚШга ташрифи доирасида ўтказилган учрашувлар нафақат сиёсий ва дипломатик, балки иқтисодий ва инновацион ҳамкорлик масалаларини ҳам янги поғонага олиб чиқди. Сўхбатлар чоғида икки давлат ўртасидаги стратегик шериклиكنинг келгуси йўналишлари белгилан олинди.

Айниқса, миллий иқтисодиётга АҚШнинг илгор тажрибаси ва замонавий технологияларини жорий қилиш масаласи алоҳида аҳамият касб этди. Хусусан, инвестициявий муҳитни янада очиб ва рақобатбардод этиш, қўшма лойиҳалар орқали янги иш ўринлари очиб, шунингдек, электрон савдо майдонлари — маркетплейсларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Шу билан бирга, табиёт, транспорт ва логистика соҳаларида инновацияларни қўллаш, рақамли ечимларни жорий этиш ҳамда оқорчи технологияли соҳаларда қўшма дастурларни амалга ошириш икки томонлама ҳамкорлиكنинг истиқболли йўналишлари сифатида белгиланди. Хусусан, АҚШнинг табиёт соҳасидаги илгор тажрибасини Ўзбекистон клиникаларига жорий этиш орқали замонавий диагностика ва даволаш стандартлари кенг қўлланиши кўзда тутилмоқда.

Бу ташаббуслар, аввало, Ўзбекистон иқтисодиётининг глобал бозордаги рақобатбардодчилигини қучайтириш, шунингдек, мамлакатимизда янги инновацион муҳитни шакллантиришга хизмат қилади. Шу тариқа АҚШ билан иқтисодий ва инновацион шериклик мамлакатимиз тараққиётининг стратегик устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

АҚШ билан ҳамкорлик доирасидаги ушбу ташаббуслар олий таълим учун ҳам улкан имкониятлар эшигини очди. Аввало, илгор технологияларни таълим жараёнига жорий қилиш, АКТ ва инновацион педагогика соҳаларида қўшма дастурларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Шу орқали Ўзбекистонда педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари талабалари ва профессор-ўқитувчилари халқроқ тажрибадан бевосита баҳраманд бўлиши, илм-фан натижаларини иқтисодий амалиёт билан боғлаб олиши мумкин.

Президентимизнинг БМТ минбарига сўзлаган нутқини катта қизиқиш билан кузатдик. Чунки унда кўтарилган масалалар — тинчлик ва барқарор тараққиёт, инсон ҳуқуқлари, ёшлар ва таълимга оид долзарб ўртасидаги стратегик шериклиكنинг таълим-тарбия ишлари билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон етакчилигининг глобал ташаббуслари, айниқса, ёшлар сиёсати ва таълим соҳасига доир фикрлари университетимиз ривожини учун муҳим дастуруламал вазифасини ўтайди. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар фаолиятини айнан шу ғоялар асосида йўналтириб, янги авлод педагог ва мураббийларини тарбиялашни мақсад қилган.

Шу билан бирга, нутқда таъкидланган барқарор тараққиёт ва экологияга оид масалалар, жумладан, Оролбўйи муаммосига доир ташаббуслар ҳам университетимизда ўтказилаётган илмий тадқиқотлар ва маънавий-маърифий ишларда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки келажак авлодга соғлом муҳит, тинч ва фаровон мамлакат қолдириш таълим муассасаларининг ҳам умумий бурчидир.

Президентимизнинг Нью-Йоркка ташрифи, тарихий учрашуви ва мулоқотлари янги Ўзбекистоннинг халқроқ майдондаги нуфузини янги поғонага кўтарди. БМТ минбарига янграган ташаббуслар, учрашувлар ва ватандошлар билан самимий мулоқот — барчаси янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муҳим ва муносиб ўрин эгаллаётганини яққол намоён этди.

# ТАЖРИБА ВА ГЛОБАЛ УЙҒУНЛИК

Мамлакатимиз таълим соҳасида замонавий ва энг илгор хорижий тажрибалар асосида амалга оширилаётган янгиланишлар самара бермоқда. Бунини эришилаётган ютуқлар ҳам кўрсатиб турибди. Жумладан, сўнгги йилларда таълим ва илм-фан соҳасини тубдан ўзгартириш натижасида мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошди, ёшларчилигининг олий таълим қамрови эса 9 фоиздан 42 фоизга етди. Энг асосийси, ўқитувчи ва мураббийларга эътибор қучайди. Хўрмат ошди. Мазкур жиҳатлар Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясидаги нутқидан ҳам жой олди. Эътиборлиси, бу орқали сўнгги йилларда мамлакатимиз таълим тизимидаги ўзгаришлар халқроқ ҳамжамият диққат-эътиборига ҳавола этилди.

биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа бўлиши лозимлиги, бу борада БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюциясини қабул қилиш таълифини илгари сурган эди. 2018 йил декабрда мазкур ташаббус амалга ошди. БМТнинг тегишли резолюцияси қабул қилиниб, бу борада жаҳон миқёсида кенг қўлланли ишлар бажариб келинмоқда.

Президентимизнинг БМТдаги 2021 йилги чиқишида глобал ҳаракатларга ёшларни жалб этиш бўйича Бутунжаҳон конференцияси мамлакатимизда муваффақиятли ўтказилгани, ушбу йўналишдаги қатъий саяё-ҳаракатларни изчил давом эттириш мақсадида Ўзбекистон томони Самарқанд шаҳрида Глобал таълим форумини ташкил этишга



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ  
ТИЛИДА ХАМ УҚИШ УЧУН  
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

## Камолот пиллапоёси

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясидаги нутқи тарихий воқеалик бўлди. Давлатимиз раҳбари нутқиде таълим масаласи ҳамда инсон капиталига сармоя киритиш заруратида алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Бу мамлакатимиз тараққиётида интеллектуал салоҳият, билимли авлодга устуворлик берилётганидан далолатдир.



# УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР САРИ



**Адиба ДАВЛАТОВА,**  
филология фанлари доктори,  
профессор

Нутқда келтирилган рақамлар — мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга, олий таълим қамрови 9 фоиздан 42 фоизга ошгани қисқа вақт ичидаги “катта сакраш” ва миллатнинг маърифий уфқлари юксак даражада кенгайгани исботи. Агар бир неча йил аввал олий таълимнинг олиш кўлаб ёшлар учун эришиб бўлмас ору бўлса, бутун у ҳаётини ҳақиқатга айланди. Бу “миқдорий юксалиш” энди ўз-ўзидан янги ва янада мураккаб вазифани, яъни таълим сифатини таъминлаш масаласини кун тартибига олиб чиқди. Миллионлаб ёшларнинг таълим тизимига кириб келиши, табиийки, уларга муносиб билим бера оладиган ва замон талабларига жавоб берадиган педагоглар корпусини шакллантиришни тақозо этади.

Айнан шу сабабли Президентимизнинг “Ўқитувчи ва устозлик касбининг обури-си ва нуфузини кескин оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қарамоқдамиз”, деган сўзлари бутун ислохотлар замиридаги марказий ҳалқаси ва пойдевори ҳисобланади. Нима учун “ҳал қилувчи масала”? Чунки энг замонавий билим, қимматбаҳо технологиялар ва илгор дарс-ликларнинг барчаси, агар ўз касбининг устаси, қалб қўрни шогирдларига бахшида этган, ўз устиде ишладан тўхтамайдиған ўқитувчи бўлмаса, жонсиз темир ва қорғоз уюмга айланиб қолади. Жамиятнинг муаллимга муносабати унинг ўз келажагига муносабати кўзгусидир.

Ушбу юксак мақсаднинг амалий ифодаси сифатида давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда Жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш таълифи илгари сурилди. Бу ташаббус муҳим стратегик аҳамиятга эга. Биринчидан, Ўзбекистон жаҳон таълим майдонига хорижий тажрибаларни ўзлаштирувчи давлат эмас, балки фаол қатнашчи, яъни глобал педагогик мулоқотни ташкил этувчи ва йўналтирувчи марказлардан бирига айланишга даъво қилмоқда. Бу юртимизнинг ўзига бўлган ишончнинг ортигани ҳамда халқроқ ҳамжамиятга таъкид эта оладиган ўз қарашлари шаклланигани кўрса-

тади. Иккинчидан, бундай нуфузли анжуман мамлакатимиз таълим тизимига энг илгор халқроқ инновациялар кириб келишини тезлаштиради. Шу билан бирга, у ўқитувчиларимизга дунёнинг етакчи мутахассислари билан бевосита мулоқот қилиш ва тажриба алмашиш учун беқиёс имконият яратди.

Президентимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табригида келтирилганидек, “...Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида таълим соҳасидаги ислохотларимиз натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта эътибор ва қизиқиш уйғотди. Бу борада биз эришган ютуқлар халқроқ аҳамиятга эга бўлган янги ташаббусларни илгари суриб учун асос бўлди”.

Бундан ташқари, Бўстонликда бўлиб ўтган самимий мулоқотда эълон қилинган янгилар ҳам шунчаки имтиёзлар мажмуаси эмас. Бу чуқур ўйланган, бир-бирини тўлдирадиган яхлит тизим ва ўқитувчи мақомини юксалтиришга қаратилган дастуриламалдир. Келинг, ушбу чора-тадбирларнинг айрим-лари замиридаги мақсадларни аниқлашга ҳаракат қиламиз.

**Ўқитувчининг ижтимоий ҳимояси ва касбий қадар-қимматини таъминлаш.** XXII аср йиллар давомида педагогнинг ижтимоий ҳимояси энг оғриқли масалалардан бири бўлиб келди. Эндиликда камида 15 йил стажга эга олий тоифали педагогларга ипотека кредитининг бошланғич бадалини давлат томонидан қоплаш механизми жорий этилмоқда. Шунингдек, давлат хизматлари учун тўловларнинг икки баравар камайтирилиши ўқитувчининг ортиқча бюрократик тўсиқлардан халос этишга ва қимматли вақтини тежашга қаратилган муҳим қадамдир. Бу ўқитувчининг асосий иши ҳужжатбозлик эмас, балки ижодий фаолият эканини тан олиш демек.



**Педагогик соҳанинг жозибadorлигини ошириш.** Таълим тизимининг барқарор ривожини учун ўзини ўзи янгилаб турадиган ва энг яхши кадрларни жалб эта оладиган

механизмлар бўлиши шарт. Педагоглар фарзандларига давлат олийгоҳларида шартнома тўлови учун 30 фоизли чегирма берилиши айнан шу мақсадга хизмат қилади. Бу имтиёз орқали таълим соҳасида соғлом сулолавий анъаналар шаклланишига, зиёли оилаларда вояга етган, китобга ошно ёшларнинг педагогика соҳасини танлашига туртки берилади. Бундан ташқари, бакалавриятнинг имтиёзли диплом билан битирган ёш мутахассисга автоматик равишда иккинчи, магистрга эса биринчи тоифа берилиши олий таълим ва мактаб ўртасидаги узилиб қолган ришталарни қайта тиклашга қаратилган.

**Муаллимни замонавий билим ва технологиялар билан қуроллантириш.** XXI аср ўқитувчиси фақатгина анъанавий “бўр ва доска” билан чегараланиб қола олмайд. У рақамли дунёнинг фаол иштирокчиси, ахборот оқинини бошқара оладиган навигатор бўлиши керак. Компьютер хариди учун имтиёзли кредит ажратилиши бу борадаги муҳим қадамлардан биридир. Бу ўқитувчиларнинг шахсий касбий ривожига, онлайн ресурслардан фойдаланишига, масофавий таълим технологияларини ўзлаштиришига ва дарсларни интерфaол усулларда ташкил этишига моддий-техник замин яратди.

**Малака ва сифатни рағбатлантирувчи адолатли тизимни яратиш.** Бошланғич таълим бутун таълим пирамидасининг пойдевори. Шу пайтгача бу бўғинга эътибор қамроқ эди. Энди фан ўқитувчилари каби бошланғич синф ўқитувчилари учун ҳам миллий сертификатлаш тизими жорий этилиши ва муносиб устаме тўланиши нуфузини кескин оширади. Бундай рағбат ўз устиде ишлайдиган, малакасини доимий ошириб борадиган бошланғич синф ўқитувчилари орқали таълимнинг энг қуйи бўғинида сифатни қафолатлаш имконини топади.

Шунингдек, дунёнинг ТОП-300 олийгоҳларига ўқишга кирган педагогларга 20 минг долларгача имтиёзли таълим кредити ажратилиши миллий педагогика мактабини жаҳоннинг энг илгор ютуқлари билан бойитишга қаратилган муҳим сармоядир.

**Энг яхшиларни эътироф этиш.** Рейтинги юқори бўлган таълим даргоҳлари педагогларига Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун чегирмалар берилиши ғоятда нозик ва оқилона ёндашувдир. Ушбу рағбат, бир томондан, соғлом рақобат муҳитини яратиб, муассасаларни юқори натижаларга ундайди. Иккинчи томондан, устозларнинг маънавий-маданий ҳордиқ чиқаришига, ўз юртининг бой тарихи ва бетакор табиати билан яқиндан танишишига хизмат қилади. Самарқанднинг мовий гўмбазларини, Бухоронинг улғувор минораларини ўз кўзин билан кўрган тарих муаллими дарсини қандай иштиёқ билан ўтишини бир тасаввур қилинг! Бу ватан туйғусини китобдан эмас, балки юракдан ўргатишга имкон беради.

Қисқаси, бутун биз ўзаро чамбарчас боғланган, бир-бирини тўлдирадиган ва ягона мақсадга йўналтирилган яхлит ҳаракатнинг ғувоҳи бўлишимиз. Бу мақсад янги Ўзбекистон учун янги авлод ўқитувчисини шакллантиришдир.

саммитида ҳам кўтарилиб, мазкур ташаббус асосида алоҳида резолюция қабул қилинган эди. Бундай ташаббус ва ғоялар кейинги йиллардаги нутқларда ҳам ўз аксини топди. Демак, Ўзбекистон Президентининг таълим ва маърифий юксалиш борасида нуфузли халқроқ минбарларда туриб илгари суратган ташаббусларни **тизимли, изчил ва глобал аҳамият касб этиши** билан ажралиб туради.

**Иккинчидан,** давлатимиз раҳбарининг таълим ва маърифатга оид ташаббуслари БМТнинг 2015-2030 йилларда мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳам мос келади. 17 та мақсадни қамраб олган ушбу глобал дастурнинг бир неча йўналиши бевосита ва билвосита таълим, маърифат масалаларига таллуқли.

**Учинчидан,** таълим соҳасига эътибор бугун БМТ ва тузилмавий ташкилотлари фаолиятида ҳам устувор аҳамиятга эга. Ҳатто БМТ Бош котиби Антониу Гутерреш жорий йил мартда илгари сурган “БМТ — 80” ташаббусларида ҳам таълим ва тадқиқот масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, “БМТ — 80” ташаббуслари сифатида белгилан олнинган 7 та устувор йўналишдаги масалаларнинг олтинчиси айнан инклюзив таълимга эришиш, замонавий илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришни юқори босқичга кўтаришга бағишланган.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг дунёдаги энг нуфузли халқроқ ва универсал ташкилот бўлиши БМТ минбарига туриб билдирган фикрлари ҳамда илгари сурган таъкид-ташаббуслари глобал ҳусусиятга эга. Улар нафақат алоҳида мамлакат ёки минтақа, балки жаҳон аҳамиятига молик масалаларни қамраб олган.

Миллатнинг маънавий сарҳадини белгилайдиган, тафаккур олами жажонга намоён этадиган энг буюк мўъжиза унинг тилидир. Тил шунчаки сўзлар йиғиндиси, мулоқот воситасигина эмас, балки аждодларнинг асрий тажрибаси, заковати ва миллат руҳиятини тириклик тимсоли саналади. Бугун янги Ўзбекистондаги ҳар бир ислохот замирида ана шу руҳиятни асл ҳолича тиклаш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида тўлақонли таъминлашдек эзгу ва тарихий мақсад мужжасам. Зеро, ўзлигини англаган, ўз тили билан фахрланган халқгина буюк келажак бунёдкори бўлишга қодир.

Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги сиёсати ўзбек тилига муносабатни тубдан ўзгартириб, уни миллий юксалишининг муҳим йўналишларидан бирига айлантирди. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий фармонлари қадриятларимизни ҳаётга қўчирувчи дастурамалага айланди. Мазкур ҳужжатлар тилимизнинг софлигини сақлаш, уни замонавий илм-фан, ахборот технологиялари ва халқро муносабатлар тилига айлантириш йўлидаги сайёҳаракатларга катта куч бағишлади.

Тил ривож — узлуксиз жараён. У жамият билан бирга нафас олади, ўзгаради ва янгиланади. Глобаллашув шиддати, илм-фаннинг мислсиз ютуқлари тилимиз олдига ҳам янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Ҳар куни ҳаётимизга кириб келётган юзлаб янги тушулч ва атамалар бир жиҳатдан ўзбек тилининг нақадар бой ва имконияти кенглигини намоён этса, иккинчи тарафдан, уларни миллий тил қондаларига мослаб муомалага киришти заруратини юзага келтирмоқда. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолияти ўзига хос ўринга эга. Ушбу комиссия тилимиздаги тартибсизликларга, ҳар ким ўз билганича атам яратишига чек қўйиб, тил сиёсатини илмий асосда, марказлашган ҳолда юритишнинг самарали механизмига айланб бораётди.

Жорий йил августда комиссиянинг 40 та илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий муомалага киритгани ана шу сайёҳаракатларнинг ёрқин меvasи бўлди. Бу шунчаки чет тилидаги сўзларни ўзбекчага ўғириш эмас, балки ҳар бир атам замиридаги тушулчга тилимизнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда энг муносиб, раван ва жарандор муқобилини топиш демакдир. Мазкур жараённинг кенг жамоатчилик, олимлар ва соҳа мутахассислари муҳокамаси асосида ўтказилаётгани эса унинг ҳаётличилиги ва оммалаштишининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Энди қонунчиликдан тортиб, илмий адабиётларга, дарсликлардан оммавий ахборот воситаларигача ягона ва тартибга солинган атамалар тизими шаклланимоқда. Бу, ўз навбатида, ахборот алмашинувини аниқлашнинг таъминлайди, таълим сифатини оширади ва энг муҳими, ўзбек тилининг илм-фан тили сифатидаги пойдеворини мустаҳкамлайди.

# ТИРИКЛИК ТИМСОЛИ — ТИЛ

## УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ ЎЗЛИК ТАНТАНАСИ

Аммо бугунги ислохотлар осмондан тушгани йўқ. Улар замирида бир аср аввал миллат истиқоли ва истиқболи учун курашган жадид боболаримизнинг армони мужжасам. Абдулла Авлонийнинг тил ҳақидаги пурмаъно ҳикматлари, Фитратнинг туркий тил софлиги йўлидаги илмий жасорати бугун учун ҳам дастур вазифасини ўтайди. Шўролар даврида тилимизга “камбағал”, “эскирган”, “фақат маиший мулоқотга яроқли” деган тамгаларни босишга уринишлар бўлди. Ўзбек тилининг расмий идора ва илм-фан тили сифатидаги вазифалари сунъий чекланиб, ўрнини бегона тил эгаллади. Бироқ халқимиз она тилини қалбидан энг тўрида асраб келди. Бугун давлат тилига кўрсатилаётган юксак эътибор — ана шу тарихий адолатнинг тантанаси, миллатнинг ўзлигига қайтиши йўлидаги энг муҳим ва жасоратли қадамдир.

Тил тақдир, аввало, таълим даргоҳларида ва бевосита оила муҳитида ҳал бўлади. Фарзандларимизга тилини қуруқ ёдлатиш эмас, балки уни севиш, унинг нақадар бой ва чексиз имкониятларга эга эканини ҳис этишни ўргатишимиз керак. Боғчаларда айтілаётган шешрлардан тортиб, олий ўқув юртиларида ўқитилаётган махсус фанлар дарсликларигача — барчаси тилимизнинг энг сара намуналари билан доимий бойитилиши зарур. Айниқса, болалар адабиётини ривожлантиришга янада жиддий эътибор қаратиш айна мудоао. Чунки тилга меҳр, китобга ошнолик айнан болаликда шаклланади. Фарзандимизнинг қўлига дастлаб бегона тилдаги, ёт гоиларни тарғиб этувчи ялтироқ китоблар ўрнига ўзимизнинг миллий қаҳрамонларимиз ҳақидаги, она тилимизнинг бор жойибаси билан битилган асарларни тутқазмас эканмиз, келажакда унинг маънавий дунёси учун курашда ютқазиб қўйишимиз аниқ.

Шунингдек, тил фақат маънавият эмас, балки иқтисодиётнинг ҳам муҳим омили эканини унутмаслик лозим. Миллий брендлар яратиш, маҳсулотларни бозорга олиб чиқиш, хизмат кўрсатиш маданиятини шакллантиришда давлат тилининг ўрни беқўёс. Истеъмолчи ўз она тилида сифатли хизматдан фойдаланишни, маҳсулот ҳақида тўлиқ

маълумотга эга бўлишни истади. Қўчаларимиздаги пешлавҳалар, реклама баннерларини, ижтимоий тармоқлардаги тижорий эълонларнинг имловий ва услубий тўғрилиги нафақат тадбиркорнинг, балки бутун миллатнинг савиясини кўрсатувчи кўзгудир. Сунъий замонавийликка интилиб, хорижий сўзларни ўринсиз қўллаш ўрнига ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, халқимиз тафаккурига мос, эсда қоларли ва жозибадор номлар ҳамда шийорлар яратиш миллий маркетингимизнинг асосий йўналишига айланиши зарур. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам мавқеини мустаҳкамлайди.

Бунда қилиниши зарур бўлган ишлар ҳали бисёр. Машҳур замондош публицист таъкидлаганидек, қонуннинг ижросини таъминлайдиган мустаҳкам механизм бўлмаса, энг эзгу ташаббуслар ҳам кўзланган натижа ни бермаслиги мумкин. Тил мусавфоллиги учун кураш фақат Атамалар комиссияси

ёки олимларнинг вазифаси бўлиб қолмаслиги зарур. Бу бутун жамиятнинг, ҳар бир зиёлининг, ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг виждон ишига айланиши лозим. Айниқса, ёшлар онгига бевосита таъсир кўрсатувчи оммавий ахборот воситалари, теле ва радио-каналлар, интернет нашрлари ва блогерлар зиммасидаги масъулият беқўёс. Реклама тилидан тортиб, кўрсатувлар номигача, мақолалар сарлавҳасидан тортиб, ижтимоий тармоқлардаги оддий мулоқотга давлат тили меъёрларига риоя қилиш маданияти шаклланимас экан, ислохотлар самараси пастиглигича қолаверади.

Қолаверса, давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатларининг амалдаги ижроси устидан жамоатчилик назоратини кескин кучайтириш давр тақозосидир. Қабул қилинаётган қонунлар, чиқарилаётган қарорлар, аввало, давлат идораларининг ўзида сўзсиз баҳарилиши лозим. Расмий тадбирлар, йиғилишлар ва ҳужжатлар алмашинувининг тўлиқ давлат тилида олиб борилишига эришиш миллий

ўзликини англашнинг амалдаги исботидир. Баъзан амалдорларнинг ҳам расмий чиқишларида давлат тили қондаларига беписанд бўлиши, сўзларни чала, ўзга тиллар билан аралаштириб ишлатиши жамоатчиликда салбий кайфият уйғотади. Бу ҳолат фуқароларнинг тил ҳақидаги қонунларга ҳурматсизлиги, бефарқлиги замин ҳозирлайди. Шундай экан, талаб, аввало, давлат хизматчиларидан бошланиши, уларнинг давлат тилини муқаммал билишини таъминловчи самарали тизим яратилиши айна мудоаодир.

Дунё тажрибасига назар ташласак, тил сиёсатида муваффақиятга эришган давлатлар айнан шу йўлдан борганини кўраимиз. Масалан, Франция Фанлар академияси француз тилининг софлигини сақлаш, хорижий сўзлар таъсиридан ҳимоя қилишда мислсиз жонбозлик кўрсатган. Туркияда амалга оширилган тил ислохоти бутун бир миллатнинг тафаккурини ўзгартириб, замонавий тараққиёт йўлига олиб чиққан. Ушбу тажрибаларнинг барчаси қимматли хулосалар чиқаришимизга имкон беради: тил — миллий ҳавфсизлик масаласи, унинг ривожига эса жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлиши шарт.

Ўзбек тилининг истиқболи унинг рақамли оламдан қай даражада ўрин эгаллаши билан ҳам боғлиқ. Бугун интернет — ахборотнинг асосий манбаи. Фарзандларимиз керакли маълумотни, энг аввало, интернетдан изламоқда. Агар биз сифатли, илмий асосланган, жозибали тилдаги ўзбекча контентни тақдим эта олмасак, уларнинг онги ва тафаккури ўзга тиллардаги, ўзга маданиятга хос маълумотлар билан тўлиши муқаррар. Шу боис, ўзбек тилидаги онлайн дугатларни янада такомиллаштириш, ўзбекча матнларни таҳрир қилувчи ва хорижий тиллардан сифатли таржима қилувчи компьютер дастурларини кўпроқ яратиш, глобал электрон энциклопедияларни ўзбекча илмий-оммабо мақолалар билан бойитиш бугуннинг долзарб вазифаларидан. Бу ишга нафақат давлат ташкилотлари, балки хусусий сектор, АТ компаниялари ва кўнгилли ёшларни ҳам фаол жалб этиш зарур.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим: бугун тилнинг келажак сунъий интеллект технологияларига бевосита боғлиқ. Агар ўзбек тилининг улкан рақамли корпусини, яъни матнлар ва нутқий маълумотларнинг гигант базасини яратмас эканмиз, келажакда энг илгор технологиялардан четда қолиб кетамиз. Дунёнинг етакчи компаниялари яратётган нейротармоқлар, овозли ёрдамчилар ва бошқа ақли тизимлар ўзбек тилида “тушуниши” ва “гапириши” учун уларни миллий тилимизнинг беқўёс бойлиги билан кўпроқ “озиклантириш” шарт. Айни вазифа муҳим аҳамиятга молик. Бугун бу ишга сармоя киритмасак, эртага фарзандларимиз кўп ҳолларда энг замонавий технологиялар билан фақат бегона тил орқали мулоқот қилишга мажбур бўлиб қолаверади. Бу эса тафаккурнинг занфлашувига олиб келиши муқаррар.

Адабиёт ва санъат тилининг посбони ва бойитувчидир. Навоий ва Бобур тилининг нафосати асрлар оша бизгача етиб келганидек, бугунги ижодкорлар зиммасига ҳам улкан масъулият юкланади. Янги романлар, қиссалар, сахна асарлари ва кинофильмлар тилимизнинг энг нозик қирраларини, энг бой имкониятларини намоён этиши зарур. Ижодкор воқеаларни шунчаки тасвирловчи эмас, балки тилининг зарғари, унга янгича жилва ва маъно бағишловчи шахсдир. Шунинг учун бундан кейин ҳам юксак бадий савиядаги асарларни рағбатлантириш, ёш истеъодли шоир ва ёзувчиларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолиши айна мудоаодир.

Тил — миллатнинг нафақат ўтмиши, балки келажак. Унда аждодларнинг овози, бугунги авлоднинг шижоати ва келажак авлоднинг оруз-умидлари акс этади. Давлатимиз юритаётган тил сиёсати шунчаки имловий қондаларни тартибга солиш ёки бир неча атамани ўзгартириш эмас, балки миллий гуруҳни юксалтириш, тарихий хотирани тиклаш ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган, узоқни кўзлаган доно сиёсатдир. Бу йўлда эришилаётган ҳар бир ютуқ, расмий муомалага кириштилаётган ҳар бир янги атам, она тилимизда яратилаётган ҳар бир сифатли асар янги Ўзбекистоннинг маънавий пойдеворига қўйилаётган мустаҳкам гишт вазифасини ўтайди. Зеро, она тилини ўтулгаган миллатгина дунёда ўз ўрнига ва ўз сўзига эга бўлади. Она тилимизнинг жарандор садолари эса Учинчи Ренессанснинг муавзам бинноси узра мадҳия бўлиб янтрайверади.

**Жонибек АЛИЖОНОВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# ЯХШИЛАР МЕҲРИНИ ҲИС ҚИЛИБ ЯШАЯПМАН

## ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН МЕЛИБУ МАТИСАҚОВАНИНГ УМР ҲАҚИҚАТЛАРИ

Инсон қадри учун

Мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуг 34 йиллик байрами арафасида Президентимиз фармони билан юз ёшдан ошган бир гуруҳ пиру бадавлат отахон ва онахонлар “Шухрат” медали билан тақдирланди. Улар орасида 101 ёшни қарши олган Мелибу Матисақова ҳам бор. Энг улуг, энг азиз байрам кунлари табаррук онахонга юксак муқофот топширилди.

Бувайда тумани “Янгиқўрғон” маҳалла фуқаролар йиғинида умргуздорлик қилаётган Мелибу момо бугун кўпнинг назари, эътибори, иззатида. Онахонни йўқлаб, дуо олиш учун келётганларнинг қадами узилгани йўқ.

Батариб, саранжом-саришта чоққина ҳовлига қадам қўйди. Онахон яшаётган ҳовли узумзор, мевали боғлар, гулу чаманга бурканган. Қуз эпкиннида оҳиста чайқалаётган садарайхон ифори димоқча хуш ёқди. Бу ажиб манзара қутлуг ёшли онахон яшаётган масканга улғуворлик, қут-баракат, файз бериб турбиди. Бунинг барчаси оддий ва камтарона оила ҳаёт тарзига айлиниб кетган



ҳалол меҳнат, ҳамжиҳатли маҳсули эканини дилдан ҳис қиламиз.

— Келинлар, ичкарига марҳамат, — дея бизга пешвоз чиқди сочларига оқ оралаган нуроний. Биз бошқа хонадонга келиб қолгандек бир-биримизга қараб, савол назари билан ҳамсўбатимизга юзландик.

— Мелибу момо шу ерда яшайдими?

— Ҳа, албатта. У бизнинг онамиз, — деди

самимият билан қулиб Набижон ака — қутлуг ёшга етган момонинг тўнғич фарзанди, Жаннатой опа эса келини экан. Бу йил 75 ёшни қаршилаган бу оила пешалари Мелибу момо хизматиди.

— Ким келди? — Ҳазин оҳанг эшитилди ичкаридан.

— Сизни йўқлаб, меҳмонлар келибди, — дейишди меҳмонлар. Мелибу момо

тетик, сўзлари маъноли, қўлларини дуога очди.

— Президентимизнинг боши омон бўлсин, менинг ёшимга етиб юрсин. Кўрсатилаётган, иззат-иқром, ғамқўрлик, эътибор учун катта раҳмат. Юртимиз тинч, осмонимиз мусофат бўлсин. Яқинларим, яхшилар меҳрини ҳис қилиб яшайаман. Аллоҳга шунча умр берганига шукр қиламан, барчаси учун катта раҳмат.

Аср билан юзлашган нуроний ҳаёт йўли, онласи, фарзандлар камолотидаги ибратли амаллари, ҳалол ҳизмати билан маҳалладошлари меҳрини қозонди. Ўн уч ёшда далага чиқиб, онасига ёрдамлашди. Болалиги синови йилларда тўғри келди. Қизил империя тузумидаги очарчилик, бир бурда нон топиб ейиш азоб бўлган замонда улғайди. Юпун кийим, очлик ва оғир меҳнат ҳар қандай одамнинг силласини қуритгани бор гап.

— Бир қўлда бола, бошимизда беланчак билан далага борганмиз, — дея хотирлайди онахон нигоҳини бир нуқтага қадаб. — Шоли курмагини бир ҳовуч маккажўхори донига қўшиб зогора қилиб ердик. Очлик сабаб даладада, йўл бўйларига ҳам талласа қилган қанчадан қанча одамга дуч келганим ҳануз кўз ўнгимда. Бугунгидек тўкин-сочин кунлар ҳеч бир замонда бўлмаган.

Қаҳрамонимиз Катта Фаргона канали қурилишига ота-онани ордидан эргашиб борганида 15 ёшли ўсмир эди. Сув деганда

сув олиб борди, жажжи қўллари билан кетмон дастагини тутди, меҳнат қилиб қўли қабарди. Фақат қўл меҳнати, кетмон, аравалар ёрдамида канал қазиш осон бўлмаган.

— Меҳнат оғир эди, эркаклар тупроқни қазиб беришарди, хотин-қизлар, ёшлар уни қопда, замбилда тепага олиб чиқардик. Кечга томон санъаткорлар келиб қўшиқ айтиб, концерт қўяди. Тамарахоним, Мукарамахоним, Ўсмон отани ана шу меҳнат фронтда кўрганман. Уруш ва урушдан кейинги оғир йилларни эсласам, кўзимга ёш келади. Йигитлар уруш, меҳнат fronti лагерларига олиб кетилгани сабаб барча иш хотин-қизлар чекига тушганди. Пилла етиштирган, ер чопган, сув тараган, пахта терган кексалар, аёллар, болалар эди. Пахта теримидан ташқари кўрак узиб, чувиб, кечаси тарозига тортиб берадик. Биз кўрган кунларни сизлар асло кўрманглар.

Бир умр дала, уй-рўзгордан нарини билмаган турмуш ўртоғи Солижон (Аллоҳ раҳмат қилсин) ота билан 8 фарзандни тарбиялаб элга қўшди, уйли-жойли қилди.

— Бу ерга келиб бўлиб тушганимга 55 йилдан ошди, — дейди тўнғич келин



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1046.  
34751 нусхада босилди.  
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.  
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева  
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй